

# ЎЗ БЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК СИЁСАТИНИГ МОХИЯТИ ВА АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШДА ЭЛЕКТРОН ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИЗИМИНИ СОДДАЛАШТИРИЛИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7316131>



ELSEVIER



Received: 10-11-2022

Accepted: 13-11-2022

Published: 22-11-2022

Севарова Ширин Холиқуловна

Сурхондарё вилояти Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиши  
бошқармаси Ахборот коммуникация тизимларини ривожлантириши бўлими  
етакчи мутахассиси



**Abstract:** Ушбу маколада Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш тизимида электрон лицензиялаш тизимидан фойдаланиш бўйича йўрикнома ишлаб чиқилиб, унда электрон тизимда ариза бериш тартиби, руҳсатномаларни қандай олиш, қайси дараҳт турлари учун мораторийлар қўлланилганинги ва шу каби бир қатор муҳим маълумотлар акс эттирилган.

**Keywords:** экология, мораторий, "Яшил макон", "Яшил бўғ", дараҳтлар, буталар, тут

плантациялари, мевали дараҳтлар, ўрмон, кундаков, лицензия, электрон руҳсатнома...

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Мамлакатнинг ташқи ва ички экологик сиёсатини жаҳон талаблари доирасида олиб боришида қонуний хужжатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 120 дан ортиқ қонун ва қонун ости хужжатлари, қарор ҳамда ички ва ҳалқаро дастурлар қабул қилинди. Экологик қонунчилик бир неча даражаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари экологик қонунчиликнинг асосини ташкил қиласди. 1992-йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий қонун хужжати хисобланиб, ҳамма учун мажбурий ва олий юридик кучга эгадир. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш масалалари Конститусиянинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида берилган. Конститусиянинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" деб таъкидланади. Ушбу талабга кўра, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши ҳамда табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш талабларига тўла амал қилиши шартдир. Асосий конуннинг 54-моддасига кўра, жамиятнинг иқтисодий негизларидан бири бўлган мулкий муносабатлар бозор иқтисодиёти қонуниятларига мос равишда эътироф этилади. Лекин мулқдор ўз ҳохишича унга эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши хеч качон экологик муҳитга, яъни атроф-мухит ҳолатига зарар етказмаслиги керак. Конститусиянинг 55-моддасига мувофиқ, "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий

захиралар умуммилгий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир” (1-78.б).

Экология инсон ҳәётининг ажралмас қисмиdir. Она табиатимизнинг нақадар мафтункор, нақадар жозибали эканлигини сўз билан таърифлашга асло ҳожат йўқ. Экологияни асрар, атроф-муҳит мухофазаси бугунги кунда нафақат соҳа мутасаддилари учун, балки кенг жамоатчилик учун ҳам долзарб вазифалардан бирига айланган. Зоро Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшashi керак” деб таъкидлаганида айнан мана шу фикрни илгари сургани бежиз эмас.

Шаҳарларда яшил экинзорларнинг радиацион ҳароратни пасайтиришда аҳамияти жуда катта. Масалан, алоҳида турган дараҳт соясидаги радиацион ҳарорат очик майдондагига нисбатан 350 С, яшил массивларда эса 400 С га фарқланади. Яшил экинзорлар соясида ҳаво ҳарорати очик жойдагига қараганда радиацион ҳароратга нисбатан кам ўзгаради, яъни 2-3,50 С, лекин иирик массивларда ушбу фарқ 160 С гача етиши мумкин(2-13-б).

Ўзбекистоннинг аҳоли яшаш жойларида ёз мавсумида ҳавонинг юқори даражада чангланиши кузатилади. Бунга сабаб – сарик, қумоқ тупроқларнинг ўзига хос физик хоссалари ҳамда воҳаларни қамраб турувчи қумликларда эсадиган гармсел шамолларининг таъсиридир. Яшил экинзорлар шаҳар кўчаларининг ҳаво алмашинувини яхшилайди ва уни тозалашга имкон яратади. Шамол эсганида ҳаво оқими таъсирида шаҳар атмосфераси тозаланади. Лекин замонавий шаҳарларнинг атроф-муҳитига бўлган заарли таъсирини камайтириш вазифасини кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар ва ўрмон хиёбонлари бажаради.(3-72-б)

Бугунги кунда юртимиз бўйлаб, экологик муҳитни асраб-авайлаш, аҳоли яшаш пунктлари ва йўл бўйларини кўкаламзорлаштириш, дараҳтлар ва буталарни мухофаза қилиш, яшил майдонларни кенгайтириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Қимматбаҳо навли дараҳтлар ва буталарни кесилишига мораторий жорий қилиниши, дараҳт кесганлик ҳолатлари учун жарима ва компенсациялар миқдорининг оширилиши бунга яққол мисол бўлади.

Шунга қарамасдан, баъзи бир ташкилотлар томонидан ўсимликлар дунёсига келтирилаётган заарлар, дараҳтларни тегишли рухсатномасиз, ноқонуний равишда кесиш, уларга озор етказиш каби ҳолатлар ҳалигача содир этилмоқда ва бу ҳолатлар умумэкологик вазиятга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг экология ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш соҳасида олиб бораётган изчил сиёсати юртимизда экологик муаммоларнинг ҳал этилиши, яшил ҳудудларнинг кенгайтирилиши ва ушбу

соҳадаги масъул ташкилотларнинг фаолиятини янада самарали ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бутун мамлакат бўйлаб дараҳтзорларни кўпайтиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ташкил этилди. Лойиҳа доирасида худудларнинг тупроқ-иклим ва бошқа хусусиятларини аниқлаш юзасидан тадқиқот ва таҳлиллар олиб бориш, кўчатхоналар сонини кўпайтириш, худудларнинг иклими ва тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда хорижий манзарали дараҳтларни экиш, худудларда “Яшил боғ”лар, “Яшил жамоат парклари”ни барпо этиш, суғориш тизимларини такомиллаштириш, ҳар бир дараҳт учун масъул шахсларни белгилаш, дараҳтларга шикаст етказиш, озор бериш, ноқонуний кесиш каби ҳолатлар учун жарималар миқдорини ошириш каби бир қатор вазифалар берилди ва амалга оширилмоқда.

Шу ўринда табиий ҳолда қуриган ёки қуриётган, касалликлар таъсирида шикастланган, санитария қоидаларига зид ҳолда ўсган ёки аҳоли яшаш жойларида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф солаётган дараҳтларни кесиш, бутоқлаш ёки кундаков қилиш учун рухсатномалар олиш тартиби такомиллаштирилганлиги яшилликни ёқолиб кетмаслиги, дараҳтларни бўлар-бўлмас сабаблар билан кесиб ташлашнинг олдини олиш учун яна бир муҳим қадамдир.

Мазкур рухсатномалар Ягона идентификация тизими ([id.egov.uz](http://id.egov.uz)) дан рўйхатдан ўтгандан сўнг, Адлия вазирлиги таркибидаги Давлат хизматлари марказларининг электрон лицензиялаш тизими ([license.gov.uz](http://license.gov.uz)) да ариза бериш орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун БМҲ нинг 30 фойзи миқдорида йигим ундирилади.

Табиий омиллар ёки ўсимликлар зааркунандалари, касалликлари таъсирида шикастланган, қуриётган ёки қуриб қолган, шунингдек, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф солаётган дараҳтлар ва буталарни кесиш учун рухсатнома тўловни амалга оширмасдан берилади.

Юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлган ва улар томонидан ёғочтахта ва ҳосил олиш учун экилган дараҳтлар ва буталарни (терак ва бошқа тез ўсуви чиғаладиган, тут плантациялари, мевали дараҳтлар ва буталар) кесишга рухсатнома талаб этилмайди.

Лицензиялаш тизими орқали берилган рухсатномасиз давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва

ниҳолларни қонунга хилоф равишида кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш ноконуний ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 79-моддасига асосан жаримага тортилишга сабаб бўлади.

Бунда, дараҳтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишида кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, дараҳтларнинг атроф-мухит билан алоқаси ўсимликларнинг яъни дараҳтлар, буталар ёки ўтларнинг хаёт тарзини белгилайди. Дараҳтларнинг шаклига турли хил экологик омиллар, масалан, иқлим, тупроқ таркиби ҳам таъсир қиласди.

Дараҳтлар табиатдаги хаёт манбаи бўлиб, атроф организмларнинг бир қисми ҳисобланади. Улар углеводларни карбонат ангиридрид ва сувдан, ўсимликларнинг фотосинтези ва қуёш энергиясини сингдириши натижасида ҳосил қиласди. Дараҳтлар карбонат ангиридридни тузатадиган ягона тирик мавжудотлар бўлиб, қуёш энергиясини ютиш натижасида органик моддалар ҳосил қиласди ва ҳавога кислород чиқаради.

Мусаффо ҳавода нафас олишимиз, гўзал, манзарали, соя-салқин ва тўкин-сочин табиатимизни асраб қолиш, нафакат асраб қолиш, балки янада кўркамлаштириш, бойитиш учун дараҳтларни муҳофаза қилишимиз шарт ва зарурдир.

Бунинг учун факат экологлар эмас, ҳар бир фуқаро, ҳар бир дараҳт эгаси бўлган инсон каби Яшил дунёмизни ҳимоя қилишимиз керак.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. D.YO. Yormatova, X.S.Xushvaqtova "Ekologiya va tabiatni muhofaza qilish" Т – «fan va texnologiya» – 2018. 178-б
2. А.Қ.Қайимов, Дж.Турок. "Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш.". -Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 13-б.
3. Қайимов А., Холмуродов Ч. Манзарали дендрология. Услубий қўлланма. Тошкент, 2005. 72-б
4. [www.agropark.ru](http://www.agropark.ru)